

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.04/30.09.2020.TIB.123.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ИКРОМ АБДУВАЛИЕВИЧ

**ИЧАК ТАЪСИРЛАНИШ СИНДРОМИ ОҒИРЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ
БАҲОЛАШДА КЛИНИК-ЛАБОРАТОР МАРКЕРЛАР**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Икром Абдувалиевич

Ичак таъсирланиш синдроми оғирлик даражаларини баҳолашда клиник-лаборатор маркерлар 3

Абдуллаев Икром Абдувалиевич

Клинико-лабораторные маркеры в оценки степени тяжести синдрома раздраженного кишечника..... 21

Abdullaev Ikrom Abduvalievich

Clinical-laboratory markers in assessing severity levels of irritable bowel syndrome..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PHD.04/30.09.2020.TIB.123.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ИКРОМ АБДУВАЛИЕВИЧ

**ИЧАК ТАЪСИРЛАНИШ СИНДРОМИ ОҒИРЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ
БАҲОЛАШДА КЛИНИК-ЛАБОРАТОР МАРКЕРЛАР**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4041 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.urgfiltma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Махмудова Лола Иззатиллоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Хамрабаева Феруза Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жабборов Озимбай Отаханович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

С.Д.Асфендияров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ю. Рузibaев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Б. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда ичакнинг функционал бузилишлари, айниқса ичак таъсирланиш синдроми гастроэнтерологик профилга кирувчи беморлар орасида энг кенг тарқалган патология ҳисобланади. Ичак таъсирланиш синдроми муаммосига қизиқиш биринчи навбатда касалликнинг тарқалиши билан боғлиқ. У ўртача 20% ни ташкил қилиб, турли популяцияларда 9 дан 48% гача ўзгариб туриши ҳам мумкин, бу шубҳасиз турли диагностика мезонларидан фойдаланиш, популяцияни танлаш ёндашувлари, коморбид касалликларни киритиш ёки истисно қилиш, шунингдек, ирқий, маданий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, тиббий ёрдамнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Ичак таъсирланиш синдроми билан касалланишнинг ўсиши йилига тахминан 1% ни ташкил қилади¹. Шу сабабли, касалликнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти нафақат кенг тарқалганлиги, балки касалликнинг ҳаёт сифатига таъсирининг юқорилиги туфайли иқтисодий зарар билан белгиланадиган тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган жиддий муаммо ҳисобланади.

Дунёда ичак таъсирланиш синдромининг патогенетик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар ушбу касаллик келиб чиқиши билан мойиллик қилувчи омилларнинг боғлиқлигини, турли хавф омилларининг касаллик клиник кечишига, беморларнинг руҳий-ҳиссий хусусиятлари ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолашдан иборат. Ушбу паталогияда жараённинг келиб чиқишини ўрганиш, даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида клиник белгиларга асосланган ҳолда касалликнинг клиник оғирлик даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган янги ёндашувни асослаш ҳамда шу касалликдан келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олиш чораларни белгилаш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликларни олдини олишга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ноинфекцион касалликларни олдини олиш соғлиқни сақлаш саводхонлик

¹ Маев И.В. Новый подход к купированию болевого синдрома при синдроме раздраженного кишечника. Фарматека. – 2017. – 6. – С.38-44.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

даражасини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ичак таъсирланиш синдроми (ИТС) – ошқозон ичак тизимининг мураккаб, кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб, дефекациядаги ўзгаришларга боғлиқ қориндаги оғрик/дискомфорт билан характерланади (Barbara G. et all, 2016, Lembo A.J. et all, 2016). Бу касаллик ошқозон-ичак тизимининг функционал касалликлари гуруҳига кириб, беморларда структур ва биокимёвий ўзгаришлар кузатилмайди. ИТС ни дунё бўйича тарқалиши 21% ни ташкил этади (Thompson J.R. et all, 2016). Бу касаллик симптомлари сурункали ва одатий турмуш тарзи, ижтимоий фаоллик, уйқу, жинсий фаоллик ҳамда меҳнат самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади (Addante R. et all, 2019). Касаллик ҳаёт учун хавфли бўлмасада, беморлар ҳаёт сифатини пасайтириши бўйича бошқа ошқозон-ичак тизими касалликлари орасида устунлик қилади. Бундан ташқари, ИТС беморлар, иш берувчилар ва соғлиқни сақлаш тизимига билвосита ҳамда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади (Aalipour M. et all, 2023).

Касаллик этиопатогенези мураккаб бўлиб, унинг шаклланишида бир қанча патофизиологик механизмларни фаоллаштирувчи қатор этиологик омиллар иштирок этади (Ивашкин В.Т., Зольникова О.Ю., 2019). Адабиётларда кўплаб муҳокама қилинган омилларга қуйидагилар киради: овқатланиш одатлари, висцерал гиперсезгирлик, мотор фаолиятининг бузилиши, нейроэндокрин тизимидаги бузилишлар (“мия-ичак” ўқи), ичак ўтказувчанлигининг ошиши, “паст фаоллик даражасидаги” яллиғланиш ривожланиши ва ичак микробиотаси таркибининг ўзгариши (Ивашкин В.Т., Ивашкин К.В., 2017).

ИТС сурункали руҳий зўриқиш ва тушкунлик ўртасидаги умумий физиологик боғлиқликнинг асоси ичак-мия ўқи ҳисобланиб, бу икки томонлама нейрогуморал тизим орасидаги алоқа бўлиб, мия ва ичакни

вегетатив нерв тизими ва гипоталамо-гипофизар-буйрак усти (ГГБ) ўқи ҳамда микробиом билан боғлайди. Сурункали руҳий зўриқиш бодомсимон без фаоллигини кучайтиради, натижада гипоталамус-гипофиз-буйрак усти бези тизими фаоллашишига олиб келади, висцерал гипералгезияни келтириб чиқаради (Махмудова Л.И., 2020).

Шундай қилиб, ичак таъсирланиш синдроми даволаш усуллари тақомиллаштиришда, руҳий-ҳиссий бузилишларни бартараф этишда ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашда ташхислаш имкониятларини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (22/26.05.2022) «COVID – 19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2026 йй.).

Тадқиқот мақсади ичак таъсирланиш синдромини ташхислаш ва даволашда оғирлик даражасини клиник-лаборатор баҳолаш, нейроэндокрин, вегетатив бошқарув бузилишлари, шунингдек дисбиоз ҳамда яллиғланиш маркерларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашувни асослаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ичак таъсирланиш синдроми кечиш оғирлигини белгиловчи клиник-лаборатор баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

ичак таъсирланиш синдроми клиник турларига мос равишда беморлар нейроэндокрин ва вегетатив нерв тизими ҳолатинининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморлар йўғон ичак микробиотасини сон ва сифат жиҳатидан оғирлик даражаларига мос таҳлил қилиш ҳамда уни яллиғланиш чақирувчи цитокинлар билан боғлиқлигини асослаш;

ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор оғирлик даражасини аниқловчи баҳолаш тизими ва унга мос равишда диагностика ҳамда даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2022-2023 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиника бўлимида амбулатор текшириш ва даволаниш курсини ўтган ичак таъсирланиш синдроми билан касалланган 90 нафар бемор таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг капилляр қони, веноз қони ва зардобини, нажас олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда умумий клиник, биокимёвий, инструментал, сўровнома ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

Беморларни касалликнинг оғирлик даражасига кўра қиёсий ташхислаш ва даволаш усулини танлашни оптималлаштириш имконини берувчи ичак таъсирланиш синдроми кечишининг клиник-лаборатор мезонлари ва интеграл баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

ичак таъсирланиш синдроми белгилари келиб чиқиши, ривожланиб бориши, оғирлик даражаларининг кучайишида нейроэндокрин бузилишлардан қондаги кортизол миқдорининг ошиши ҳамда вегетатив нерв тизими бузилишларидан ваготония ва симпатикотония ривожланишининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги исботланган;

илк маротаба ичак таъсирланиш синдроми оғирлик даражасига мос яллиғланиш чақирувчи цитокинлардан – IL-1 β , IL-6 ва α TNF концентрациясининг ошиши II, III даражадаги дисбиоз ривожланиши билан намоён бўладиган ичак микробиотасидаги шартли патоген ҳамда патоген флора сабабли келиб чиқиши аниқланган;

ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморларда клиник белгилар, нейроэндокрин бузилишлар, вегетатив тонус турлари, лаборатор ва инструментал текширув натижаларига мос равишда диагностика ҳамда даволаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ичак таъсирланиш синдромида касалликнинг оғирлик даражаси, руҳий-ҳиссий хусусиятлар ва ҳаёт сифатини баҳолаш учун чуқурлаштирилган ноинвазив текшириш усулларида фойдаланиш тавсия этилди;

нейроэндокрин бузилишлар мавжуд ичак таъсирланиш синдроми билан беморларда даво самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида оғирлик даражаларига мос равишда ишлаб чиқилган даволаш алгоритмидан фойдаланиш тавсия этилди;

ичак таъсирланиш синдромида ишлаб чиқилган клиник-лаборатор мезонлар ва баҳолаш тизими касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун ишончли мезон бўлиб хизмат қилиши асосланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тўғрилиги, текширувларнинг аниқлиги, ичак таъсирланиш синдроми билан касалланган беморларнинг етарли танлов ҳажми, клиник-анамнестик, биокимёвий, инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичак таъсирланиш синдромида мойиллик қилувчи омилларни ҳудудий хусусиятларини баҳолаш, касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун клиник-лаборатор мезонлар ва баҳолаш тизимини жорий қилиш, нейроэндокрин бузилишлар мавжуд ичак таъсирланиш синдроми билан беморларда даво

самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида оғирлик даражаларига мос равишда ишлаб чиқилган даволаш алгоритмидан фойдаланиш самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ичак таъсирланиш синдромида касалликнинг оғирлик даражаси, руҳий-ҳиссий хусусиятлар ва ҳаёт сифатини баҳолаш учун иммун маркерларни аниқлашнинг тизимли диагностикаси, оғирлик даражасига мос равишда ичак таъсирланиш синдроми билан беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш учун мақсадли даволаш усулларида фойдаланиш, ичак таъсирланиш синдромида ишлаб чиқилган клиник-лаборатор мезонлар ва баҳолаш тизими касалликни оғирлик даражасини аниқлаш учун ишончли мезон сифатида ишлатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ичак таъсирланиш синдроми клиник-лаборатор оғирлик даражаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: беморларни касалликнинг оғирлик даражасига кўра қиёсий ташхислаш ва даволаш усулини танлашни оптималлаштириш имконини берувчи ичак таъсирланиш синдроми кечишининг клиник-лаборатор мезонлари ва интеграл баҳолаш тизими ишлаб чиқилганлиги бўйича “Ичак таъсирланиш синдроми клиник-лаборатор оғирлик даражаларини аниқлаш усули” услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 16 февралдаги 24-м/030-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 20 ноябрдаги 149-сон буйруқ) ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2024 йил 24 майдаги 811-2-42-ТБ/2024-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ичак таъсирланиш синдроми бўлган беморларнинг кечиш оғирлигини эрта босқичда аниқлаш, ташхис ва даволаш жараёнлари индивидуал ёндашув асосида оптималлаштириш, асоратлар ва беморнинг стационарда ётиб даволаниш муддати қисқартириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жорий этилган клиник-лаборатор мезонлар ва баҳолаш тизими асосида ичак таъсирланиш синдроми билан касалланган беморларнинг ташхислаш ва даволаш жараёнлари оптималлаштирилиши натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 739 511 сўм миқдорида маблағ тежалишига эришилган. Хулоса: Ишлаб чиқилган клиник-лаборатор мезонлар ва ичак таъсирланиш синдромининг оғирлик даражасини баҳолаш тизими диагностика жараёнини стандартлаштиришни таъминлаш орқали беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича табақалаштириш ва индивидуал даволаш самарадорлигини ошириш ҳисобидан бюджетдан ташқари маблағлардан 739 511 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: ичак таъсирланиш синдроми белгилари келиб чиқиши, ривожланиб бориши, оғирлик даражаларининг кучайишида нейроэндокрин бузилишлардан қондаги кортизол миқдорининг ошиши ҳамда вегетатив нерв тизими бузилишларидан ваготония ва симпатикотония ривожланишининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича

“Ичак таъсирланиш синдроми клиник-лаборатор оғирлик даражаларини аниқлаш усули” услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 16 февралдаги 24-м/030-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 20 ноябрдаги 149-сон буйруқ) ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2024 йил 24 майдаги 811-2-42-ТБ/2024-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* нейроэндокрин ва вегетатив бузилишларни баҳолаш асосида дифференциал ташхис аниқлиги оширилган, бу орқали нотўғри ташхис қўйиш эҳтимоли камайтирилиб, беморлар учун индивидуал ёндашув асосида самарали даволаш тактикалари ишлаб чиқиш ҳамда даволаш натижадорлигини оширишга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ичак таъсирланиш синдроми билан касалланган беморларни эрта ва аниқ ташхислаш, уларга индивидуал ёндашув асосида самарали даволаш усуллари қўллаш имконияти яратилиб, бу орқали беморларнинг шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш, ортиқча лаборатор ва инструментал текширувлар сонини камайтириш, юқори самарали ҳамда мақсадли даволаш орқали ресурсларни тежаш натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 752 800 сўм миқдорида маблағ тежалишига эришилган. Хулоса: Ичак таъсирланиш синдроми бўлган беморларда кортизол даражаси ва вегетатив регуляциянинг бузилиши (ваготония, симпатикотония) ўртасидаги аниқланган ўзаро боғлиқлик нейроэндокрин параметрларни баҳолаш асосида дифференциал диагностика аниқлигини ва даволаш самарадорлигини ошириш бюджетдан ташқари маблағлардан 752 800 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ичак таъсирланиш синдроми оғирлик даражасига мос яллиғланиш чакирувчи цитокинлардан – IL-1 β , IL-6 ва α TNF концентрациясининг ошиши ичак микробиотасидаги ўзгаришлар – II, III даражадаги дисбиоз билан боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича “Ичак таъсирланиш синдроми клиник-лаборатор оғирлик даражаларини аниқлаш усули” услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 16 февралдаги 24-м/030-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 20 ноябрдаги 149-сон буйруқ) ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2024 йил 24 майдаги 811-2-42-ТБ/2024-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ичак таъсирланиш синдроми оғирлик даражасини яллиғланиш чакирувчи цитокинлар (IL-1 β , IL-6 ва α TNF) концентрацияси ҳамда ичак микробиотасидаги ўзгаришлар (дисбиознинг II ва III даражалари) билан боғлиқ ҳолда баҳолаш имконияти яратилиши — беморларда эрта ташхис қўйиш, оғирлашувларни олдини олиш ҳамда мақсадли даволаш чораларини ўз вақтида амалга оширишга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ичак таъсирланиш синдроми оғирлик даражаси яллиғланиш чакирувчи цитокинлар (IL-1 β , IL-6 ва α TNF) ҳамда дисбиоз даражаси орқали баҳолаш, эрта ташхис ва мақсадли даволаш чораларини кўриш беморларни узок муддатли ҳамда қимматбаҳо муолажалардан сақлаш, оғир асоратларни камайтириш ва стационар даволаниш муддатини қисқартириш

орқали ресурсларни тежаш натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 735 900 сўм миқдорида маблағ тежалишига эришилган. Хулоса: Яллиғланишни қўлловчи цитокинлар (IL-1β, IL-6 ва αTNF) концентрацияси ва ичак дисбиозининг оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш касаллиқнинг оғирлигини молекуляр даражада баҳолаш бюджетдан ташқари маблағлардан 735 900 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморларда клиник белгилар, нейроэндокрин бузилишлар, вегетатив тонус турлари, лаборатор ва инструментал текширув натижаларига мос равишда диагностика ҳамда даволаш алгоритми такомиллаштирилганлиги бўйича “Ичак таъсирланиш синдроми клиник-лаборатор оғирлик даражаларини аниқлаш усули” услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 16 февралдаги 24-м/030-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят юкумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 20 ноябрдаги 149-сон буйруқ) ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2024 йил 24 майдаги 811-2-42-ТБ/2024-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ушбу алгоритмнинг амалиётга жорий этилиши орқали касалликни эрта аниқлаш, самарали даволаш ва рецидивларни камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, даволаш харажатларини қисқартириш ва врачларнинг клиник қарор қабул қилишдаги самарадорлигини оширишга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тақдим этилган диагностика ва даволаш алгоритми эрта ташхис ва мақсадли даволаш чораларини қўриш беморларни узоқ муддатли ҳамда қимматбаҳо муолажалардан сақлаш, оғир асоратларни камайтириш ва стационар даволаниш муддатини қисқартириш орқали ресурсларни тежаш натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 698 400 сўм миқдорида маблағ тежалишига эришилган. Хулоса: Клиник симптомлар, нейроэндокрин ва вегетатив бузилишлар, шунингдек, лаборатория ва инструментал маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритми ИТС билан оғриган беморларни даволашга ёндашувни тизимлаштиришга ёрдам бериб, унинг қўлланилиши касаллик прогнозини яхшилаш, қайталаниш частотасини камайтириш ва 698 400сўм миқдорида ресурсларни тежаш имконини берган.

Хулоса: ишлаб чиқилган клиник-лаборатор мезонлар, нейроэндокрин ва иммунологик маркерлар, шунингдек, ичак таъсирланиш синдромини ташхислаш ва даволаш алгоритмининг жорий этилиши ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар ва касалхонага ётқизиш давомийлигини камайтириш имконини берган.

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбири бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 февралдаги 12-сонли йиғилиш баённомасига асосан хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, улардан 2 таси халқаро, 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 125 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республикада илм ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти яққол ёритилган. Тадқиқотдан олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Ичак таъсирланиш синдроми ривожланиш механизмлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари**» адабиётлар таҳлили тақдим этилган: ичак таъсирланиш синдромининг (ИТС) таснифи ва диагностикаси, клиник ва патогенетик жиҳатлари тўғрисида замонавий маълумотлар назарий жиҳатлари таҳлил қилинди ва ИТСда яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар диагностикасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари асосида батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини янада ўрганиш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот материали ва усуллари**» клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ўз ичига олган маълумотлар келтирилган. Диссертация асосига 2022-2023 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиника бўлимида амбулатор текшириш усулларида ўтган ИТС билан касалланган 90 беморни клиник текширишлари киритилган бўлиб, назорат гуруҳи жинси ва ёши жиҳатидан асосий гуруҳга мос келадиган, анамнезида ошқозон-ичак тизими касалликлари бўлмаган ва колоноскопия пайтида йўғон ичак шиллиқ қавати ўзгаришсиз сифатида баҳоланган 30 нафар кўнгилли кишилардан ташкил топган.

Қайта кўриб чиқилган Рим мезонлари IV (2016 йил) таснифига биноан ИТС билан оғриган беморлар икки гуруҳга бўлинган: ИТСнинг гипермотор ёки диарея устунлиги билан кечувчи беморлар ИТС-Д – 43 нафар (47,7%) ва ИТС нинг гипомотор ёки қабзият устунлиги билан кечувчи беморлар ИТС-Қ – 47 нафар (52,3%)га ажратилган. ИТС нинг аралаш ва таснифланмайдиган турлари билан оғриган беморлар сони каслиги ҳамда статистик хатолик юзага келиши олдини олиш мақсадида тадқиқотга киритилмаган.

Беморларни текшириш умумий кўрув, шикоятларни баҳолашни, анамнезга оид маълумотларни тўплаш ва ИТС ривожланиш хавф омилларини аниқлашни ўз ичига олган. Барча ўлчовлар бир хонада, куннинг бир вақтида амалга оширилган. Барча беморлар умумий клиник ва биокимёвий лаборатор текширувларнинг стандарт тўпламидан ўтганлар: умумий қон текшируви, умумий сийдик текшируви, копрологик таҳлил, ахлатни дисбактериозга текшириш, биокимёвий қон таҳлили (билирубин, АЛТ, АСТ, кортизол, фекал калпротектин, IL-1 β , IL-6, α TNF). ЭГДФС, колоноскопия, контрастли рентгеноскопия текшириш усуллари ўтказилган.

Тадқиқот натижалари Windows XP учун SPSSv.15.0 (2007) ва MSExcel дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик ишловдан ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Ичак таъсирлашиш синдроми клиник оғирлик даражалари тавсифи**» баён қилинган. ИТСда касалликнинг клиник кечиш турлари ва оғирлиги, этиологик омиллар, нажас шакли шкаласи маълумотлари ҳамда вегетатив нерв тизимидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

ИТС нинг диарея ва қабзият устунлиги билан кечувчи турларида касаллик ривожлани (йилларда), кўзиш давридаги клиник белгиларнинг даовмийлиги (ҳафта) ҳамда бир йилда шифокорга мурожаат сони таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ичак таъсирланиш синдроми клиник турларида анмнестик маълумотлар таҳлили натижалари

Кўрсаткичлар	Жинс	ИТС-Д (n=43)	ИТС-Қ (n=47)	P
Касаллик ривожланиши (йилларда)	-	3,9 $\pm$ 0,4	4,8 $\pm$ 0,4	0,036
Клиник белгиларнинг давомийлиги (ҳафта)	-	12,0 $\pm$ 1,4	10,8 $\pm$ 1,2	0,436
Мурожаат сони	Еркаклар	1,7 $\pm$ 0,15	1,7 $\pm$ 0,13	0,813
	Аёллар	1,6 $\pm$ 0,18	1,6 $\pm$ 0,11	0,92
	Умумий	1,7 $\pm$ 0,16	1,7 $\pm$ 0,12	0,92


Изоҳ: ИТС-Д ичак таъсирланиш синдроминанинг диарея билан кечувчи тури; ИТС-Қ - ичак таъсирланиш синдроминанинг қабзият билан кечувчи тури.

Касаллик ривожланишини ўрганиш шуни кўрсатдики, диарея устунлиги билан кечувчи турига нисбатан қабзичт устунлиги билан кечувчи турида йиллар кесимида касаллик клиник белгиларининг ривожланиши устунлик қилган (мос равишда $3,9 \pm 0,4$ ва $4,8 \pm 0,4$, $p=0,036$).

Касалликнинг кўзиш давридаги клиник белгиларнинг давомийлиги диарея устунлиги билан кечувчи ИТС турида $12,0 \pm 1,4$ ҳафтани, қабзичт устунлиги билан кечувчи турида эса, $10,8 \pm 1,2$ ҳафтани ташкил этган ($p=0,436$).

Бир йилда шифокорга мурожаат сони жинс бўйича ва умумий беморлар бўйича таҳлили натижалари, диарея ва қабзичт устунлиги билан кечувчи ИТС турларида деярли бир хил натижаларни кўрсатган ($p=0,92$).

Шу билан бирга, анамнестик маълумотларни йиғиш давомида ИТС келиб чиқиш сабаблари ўрганилган. Барча беморларда ИТС ни келтириб чиқариши мумкин бўлган этиологик омиллар сўраб суриштириш йўли орқали аниқланган. ИТСда касалликнинг бошланишини кўзғатувчи омиллар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ичак таъсирланиш синдроми клиник турларида этиологик омиллар таҳлили, %

Инфекцион омил (ИТС аломатлари ўткир ичак инфекциясидан кейин 3 ой ичида ривожланиши) ИТС нинг қабзичт устунлиги билан кечувчи турига нисбатан диарея устунлиги билан кечувчи турида устунлик қилган (мос равишда $n=21$, 48,8% ва $n=14$, 29,7%).

Ижтимоий-руҳий омиллар кўрсаткичлари солиштирилганда диарея устунлиги билан кечувчи турига нисбатан қабзичт устунлиги билан кечувчи ИТС беморларда (мос равишда $n=18$, 41,8% ва $n=28$, 59,6%) устунлик қилган ($p<0,05$).

Ирсий омил (қариндошлар орасида ИТС, функционал қабзичт, функционал

диарея) ИТС нинг диарея устунлиги билан кечувчи турида $n=9$, 20,9% ни ташкил этиб, қабзият устунлиги билан кечувчи турида эса $n=13$, 27,6% ни ташкил этган. Алиментар омил (таркибида сорбитол, лактоза, фруктоза сақлаган, масалан, сут ва сут маҳсулотлари, баъзи мевалар ва сабзавотлар (лавлаги, карам, пиёз, олма, нок, шафтоли, олхўри, ўрик, тарвуз, гилос), дуккакликлар, ун маҳсулотлари, ёнғоқлар) ИТС диарея ва қабзият устунлиги билан кечувчи турларида ўхшаш кўрсаткичларни кўрсатган (мос равишда $n=11$, 25,6% ва $n=15$, 31,9%).

Диарея ва қабзият устунлиги билан кечувчи ИТС билан оғриган беморларда клиник аломатлар касаллик оғирлик даражалари бўйича таҳлили қилинган. Таҳлил натижалари 2-жадвалда изоҳланган.

2-жадвал

ИТС клиник оғирлик даражалари бўйича ичак аломатларининг учраш даражаси, %

Клиник аломатлар	Енгил даража ($n=32$), %	Ўрта оғир даража ($n=37$), %	Оғир даража ($n=21$), %
Абдоминал оғрик/дискомфорт	32 (100)	37 (100)	21 (100)
Диарея	6 (18,7)	20 (54,1)	17 (80,9)
Қабзият	26 (81,3)	17 (45,9)	4 (19,1)
Қорин дам бўлиши	31 (96,9)	34 (91,9)	21 (100)
Ичак тўла бўшамаганлик ҳисси	3 (9,4)	14 (37,8)	15 (71,4)
Ёлғон чақириқлар	2 (6,3)	3 (8,1)	4 (19,1)
Шиллиқ ажралиши	5 (15,6)	6 (16,2)	7 (33,3)
Дефекация вақтида узок кучаниш	15 (46,9)	22 (59,4)	18 (85,7)

Изоҳ: ИТС-Д ичак таъсирланиш синдромининг диарея билан кечувчи тури; ИТС-Қ - ичак таъсирланиш синдромининг қабзият билан кечувчи тури.

ИТС нинг енгил даражасида беморларнинг барчасида абдоминал оғрик синдроми (100%), 18,7% да диарея синдроми, 81,3% да қабзият синдроми, 96,9% да қорин дам бўлиши, 9,4% да ичак тўла бўшамаганлик ҳисси, 6,3% да ёлғон чақириқлар, 15,6% да шиллиқ ажралиши ва 46,9% да дефекация вақтида узок кучаниш аниқланган.

Ўрта оғир даражадаги ИТС да енгил даражадагидан фарқли равишда диарея 54,1%, қабзият 45,9%, ичак тўла бўшамаганлик ҳисси 37,8%, дефекация вақтида узок кучаниш эса, 59,4% ҳолатда қайд этилган.

Оғир даражадаги ИТС да диарея, қорин дам бўлиши, ичак тўла бўшамаганлик ҳисси, ёлғон чақириқлар, шиллиқ ажралиши ва дефекация вақтида узок кучаниш каби клиник белгилар мавжуд беморлар нисбати ишончли ўсганлиги қайд этилган (мос равишда 80,9%, 100%, 71,4%, 19,1%,

33,3% ва 85,7%).

Шунингдек, вегетатив нерв тизими ҳам касаллик оғирлик даражалари бўйича таҳлил қилинди (3-жадвал). Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Вейн-Парин сўровномасидан фойдаланилган.

3-жадвал

Касаллик оғирлик даражалари бўйича Вейн-Парин сўровномаси ўртача қийматлари

Оғирлик даражалари	Ўртача балл (M ± SD)	Вегетатив тонусни устунлик қилувчи тури	P
Енгил (n = 32)	17.4 ± 3.0	Ваготония / Эутония	
Ўрта оғир (n = 37)	19.8 ± 3.1	Симпатикотонияга ўтиш	
Оғир (n = 21)	23.5 ± 2.6	Симпатикотония	p < 0.001
Назорат (n = 30)	15.2 ± 2.7	Эутония	p < 0.001

Баллар ошиб бориши билан вегетатив тонуснинг ваготониядан симпатикотонияга ўтиб бориши қайд этилган. Енгил, ўрта оғир ва оғир даражада ўртача баллар қиймати мос равишда 17.4±3.0, 19.8±3.1 ҳамда 23.5±2.6 ни ташкил этган (p<0.001).

Касаллик оғирлик даражалари бўйича вегетатив тонус таҳлили ҳам ўтказилган (4-жадвал).

4-жадвал

Касаллик оғирлик даражалари бўйича вегетатив тонус турлари таҳлили

Вегетатив тонус тури	Енгил (n=32)	Ўрта оғир (n=37)	Оғир (n=21)
Ваготония	17 (53.1%)	12 (32.4%)	1 (4.8%)
Эутония	10 (31.3%)	11 (29.7%)	3 (14.3%)
Симпатикотония	5 (15.6%)	14 (37.9%)	17 (80.9%)

Касаллик енгил кечиши мавжуд бўлган беморларда ваготония (53,1%), ўрта оғир кечишида аралаш тур ҳамда оғир кечиши мавжуд беморларда яққол симпатикотония устунлик қилиши аниқланган (80,9%).

Бундан кўриниб турибдики, клиник аломатлар ва вегетатив тонус ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган. Симпатикотония ИТС ни оғир кечишига сабабчи бўлиб, узоқ муддатли стресс, парасимпатик нерв тизимининг чарчаши ҳамда висцерал сезувчанлик дирегуляциячи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Касалликнинг енгил кечиши мавжуд айниқса, ИТС-Д мавжуд беморларда ваготония устунлики намоён этган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Ичак таъсирланиш синдроми лаборатор-инструментал оғирлик даражалари тавсифи**» яллиғланиш

чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар, нейрроэндокрин кўрсаткичлари бўйича оғирлик даражалари келтирилган.

Тадқиқотимиз давомида 90 нафар ИТС билан оғриган беморларда ва 30 нафар назорат гуруҳидаги соғлом инсонларда фекал калпротектин миқдорини ўрганилган (5-жадвал).


5-жадвал

ИТС билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳида фекал калпротектин ўртача кўрсаткичлари, $M \pm m$, нг/мл

Кўрсаткич	ИТС (n=90)	Назорат гуруҳи (n=30)	P
Фекал калпротектин	68,1±5,8	17,6±1,2	0,001

Изоҳ: ИТС-ичак таъсирланиш синдроми.

Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда назорат гуруҳига нисбатан ИТС билан оғриган беморларда фекал калпротектин кўрсаткичи ишончли юқорилиги аниқланган ($p < 0,001$). Янада аниқроқ маълумот олиш мақсадида ИТС оғирлик даражалари бўйича фекал калпротектин миқдори ўрганилган (2-расм).



2-расм. ИТС оғирлик даражаларига мос фекал калпротектин кўрсаткичлари, нг/мл

Изоҳ: Статистик ишончилилик даражаси ўрта оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: * – $p < 0,05$, статистик ишончилилик даражаси оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: ^^ – $p < 0,01$.

Фекал калпротектин миқдори шуни кўрсатдики, касаллик оғирлик даражаси енгилдан оғирга қараб ўзгариб борганда фекал калпротектин миқдори ҳам ошиб борган (мос равишда $30,3 \pm 2,6$ нг/мл, $79,1 \pm 1,8$ нг/мл ва $106,6 \pm 1,4$ нг/мл).

Шунингдек, яллиғланиш чақирувчи цитокинлар ҳам оғирлик даражаларига мос таҳлили қилинган (6-жадвал).

6-жадвал

Цитокинларнинг касаллик оғирлик даражаларига бўйича таҳлили, M±m, пг/мл

Цитокинлар миқдори	ИТС оғирлик даражалари		
	Енгил (n=32)	Ўрта оғир (n=37)	Оғир (n=21)
IL-1β	5,9±0,6*^^	7,8±0,9^	9,9±1,2
IL-6	5,4±0,6*^	7,2±0,7	7,3±0,8
αTNF	5,6±0,6***^^^	10,5±1,08^^^	14,6±1,1

Изоҳ: Статистик ишончлилик даражаси ўрта оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: * – p<0.05; ** – p<0.01; *** – p<0.001, статистик ишончлилик даражаси оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: ^ – p<0.05; ^^ – p<0.01; ^^ – p<0.001.

Яллиғланиш чақирувчи цитокинлардан IL-1β миқдори енгил даражада 5,9±0,6 пг/мл, ўрта оғир даражада 7,8±0,9 пг/мл ва оғир даражада 9,9±1,2 пг/мл ни ташкил этган (p<0.01, p<0.001).

IL-6 миқдори енгил даражада 5,4±0,6 пг/мл, ўрта оғир даражада 7,2±0,7 пг/мл ва оғир даражада 7,3±0,8 пг/мл ни ташкил этган (p<0.01).

α-TNF ҳам касаллик оғирлик даражалари ортиб бориши билан мос равишда 5,6±0,6 пг/мл, 10,5±1,08 пг/мл ва 14,6±1,1 пг/мл ни ташкил этган (p<0.01, p<0.001).

Шундай қилиб, ИТС оғирлик даражалари енгилдан оғирга кўтарилиб боргани сари яллиғланиш чақирувчи цитокинлардан IL-1β миқдорининг 1,6 марта, IL-6 миқдорининг 1,4 марта ва αTNF миқдорининг 2,6 марта ошганлиги қайд этилган. Яллиғланиш чақирувчи цитокинлар миқдорининг ошиши ичак микробиотаси таркибидаги нормал микрофлоранинг шартли патоген ва патоген микрофлорага алмашилиши натижасида юзага келиб, бунда паст даражадаги (low grade inflammation) яллиғланиш жараёни ривожланган.

Организмдаги стресс ҳолатига жавоб реакцияси сифатида баҳоланадиган нейроэндокрин маркерлардан бири саналган кортизол гормони ҳам ИТС оғирлик даражалари бўйича таҳлили қилинган (7-жадвал).

7-жадвал

Қондаги кортизол таҳлили натижалари, M±m, нмол/л

Қондаги кортизол	ИТС оғирлик даражалари		
	Енгил (n=32)	Ўрта оғир (n=37)	Оғир (n=21)
Эрталабки	344,3±16,8**^^^	528,1±16,2^^	605,4±8,8
Кечки	187,6±11,6**^^	298,4±12,1^	354,3±3,6

Изоҳ: Статистик ишончлилик даражаси ўрта оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: * – p<0.05; ** – p<0.01; *** – p<0.001, статистик ишончлилик даражаси оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: ^ – p<0.05; ^^ – p<0.01; ^^ – p<0.001.

Қондаги кортизол миқдорининг эрталабки кўрсаткичи ИТС оғирлик даражалари енгилдан оғирга ўтиб борган сари 1,7 марта ошганлиги қайд этилган бўлса (мос равишда $344,3 \pm 16,8$ нмол/л, $528,1 \pm 16,2$ нмол/л ва $605,4 \pm 8,8$ нмол/л, $p < 0.01$, – $p < 0.001$), кечки кўрсаткич ҳам шунга мос равишда 1,8 мартага ошганлиги кузатилган (мос равишда $187,6 \pm 11,6$ нмол/л, $298,4 \pm 12,1$ нмол/л ва $354,3 \pm 3,6$ нмол/л, $p < 0.05$, $p < 0.01$).

Қондаги кортизол миқдорини аниқлаш симпатoadренал тизим фаоллиги ҳамда ИТС патогенетик омили ҳисобланган психологик стрессга жавоб реакцияси ҳақида фикр юритишга имкон берган.

Юқоридагиларга қўшимча равишда ичак микробиотаси таркиби ҳам ИТС оғирлик даражалари бўйича таҳлил қилинган (8-жадвал).

8-жадвал

Ичак микробиотаси таҳлили натижалари, $M \pm m$

Микроорганизмлар	ИТС оғирлик даражалари		
	Енгил (n=32)	Ўрта оғир (n=37)	Оғир (n=21)
	1 гр нажасдагт микроорганизмлар сони		
Салмонелла-шигеллалар	0	0	0
Ферментатив фаоллиги нормал бўлган ичак таёқчалари	$10^7 \pm 0,3^*$	$10^5 \pm 0,1$	$10^5 \pm 0,2$
Лактозонегатив ичак таёқчалари	$10^5 \pm 0,1^*$	$10^4 \pm 0,2$	$10^4 \pm 0,2$
Гемолитик фаол бўлган ичак таёқчалари	0	0	0
Бошқа шартли патоген энтеробактериялар (E. Coli)	$10^4 \pm 0,2^{**}$	$10^5 \pm 0,2$	$10^6 \pm 0,2$
Стафилококклар (St. Aureus)	0	0	$10^{0,6} \pm 0,2^{\#}$
Стафилококклар (St. epidermidis, St. saprophyticus)	$10^4 \pm 0,0$	$10^4 \pm 0,0$	$10^4 \pm 0,0$
Энтеракокклар	$10^5 \pm 0,0$	$10^5 \pm 0,0$	$10^5 \pm 0,0$
Дрожжига ўхшаш замбуруғлар	$10^4 \pm 0,07$	$10^4 \pm 0,1$	$10^4 \pm 0,1$
Бифидобактериялар	$10^7 \pm 0,1^{***}$	$10^6 \pm 0,1^{\wedge}$	$10^4 \pm 0,1$
Лактобактериялар	$10^6 \pm 0,1^{***}$	$10^5 \pm 0,07$	$10^3 \pm 0,1$
Фермент ҳосил қилмайдиган бактериялар (НГОВБ)	$10^4 \pm 0,0$	$10^4 \pm 0,0$	$10^4 \pm 0,0$

Изоҳ: Статистик ишончилилик даражаси ўрта оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: * – $p < 0.05$; ** – $p < 0.01$; *** – $p < 0.001$, статистик ишончилилик даражаси оғир даражадаги беморлар кўрсаткичларга нисбатан: $\wedge$ – $p < 0.05$; $\wedge\wedge$ – $p < 0.01$; $\wedge\wedge\wedge$ – $p < 0.001$; # – $p < 0.01$.

ИТС оғирлик даражалари бўйича ичак микробиотаси таҳлили шунини кўрсатдики, енгил даражадаги беморларга нисбатан ўрта оғир ва оғир даражадаги беморларда ферментатив фаоллиги нормал бўлган ва

лактозонегатив бактериялар камайиб борганлиги қайд этилган ($p<0.05$). Шартли патоген энтеробактериялардан - *E. Coli* миқдори ўрта оғир ва оғир даражадаги ИТС да ошганлиги кузатилиб ($p<0.05$, $p<0.01$), стафилококклардан - *St. Aureus* фақатгина оғир даражадаги ИТС мавжуд беморларда аниқланган ($p<0.01$). Фойдали бактериялар ҳисобланган бифидобактериялар ва лактобактериялар ўрта оғир ва оғир даражадаги ИТС билан оғриган беморларда қайд этилган ($p<0.05$, $p<0.01$, $p<0.001$).

Бундан хулоса келиб чиқадики, энгил даражадаги ИТС да I даражали дисбиоз, ўрта оғир ИТС да II даражали дисбиоз ва оғир ИТС да III даражали дисбиоз келиб чиқган. Дисбиоз даражасининг ортиб бориши ичакларда “low grade inflammation” ривожланишини тўла қонли асослаган.

ХУЛОСАЛАР

1. ИТС кечиш оғирлигини белгиловчи клиник-лаборатор баҳолаш мезони ишлаб чиқилди. Унга кўра 21-32 балл йиғган беморлар касалликнинг оғир кечиши, 10-20 балл йиғган беморлар ўрта оғир кечиши ва 1-9 балл йиғган беморлар касалликнинг энгил кечиши деб баҳоланди.

2. Қондаги кортизол миқдорининг эрталабки кўрсаткичи ИТС оғирлик даражалари энгилдан оғирга ўтиб борган сари 1,7 марта ошганлиги қайд этилган бўлса, кечки кўрсаткич ҳам шунга мос равишда 1,8 мартага ошганлиги кузатилди. Нейроэндокрин бузилишларга мос равишда вегетатив тонус энгил даражада ваготонияни, ўрта оғир даражада аралаш турни ҳамда оғир даражада симпатикотония устунлик қилганлигини кўрсатди.

3. ИТС оғирлик даражалари бўйича ичак микробиотаси таҳлили шуни кўрсатдики, шартли патоген энтеробактериялардан - *E. Coli* миқдори ўрта оғир ва оғир даражадаги ИТС да ошганлиги кузатилиб ($p<0.05$, $p<0.01$), стафилококклардан - *St. Aureus* фақатгина оғир даражадаги ИТС мавжуд беморларда аниқланди ($p<0.01$). Микробиота таркибининг бундай ўзгариши ичакда яллиғланиш жараёнлари (low grade inflammation) мавжудлигини тасдиқловчи IL-1 β , IL-6 ва α TNF цитокинлари концентрациясининг ошиши билан бирга кечди.

4. Ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор оғирлик даражасини аниқловчи баҳолаш тизими ва унга мос равишда диагностика ҳамда даволаш алгоритми ишлаб чиқилди. Алгоритмга мувофиқ барча беморларга стандарт ва қўшимча текшириш усуллар тавсия этилиб, касаллик оғирлик даражалари ва вегетатив нерв тизими бузилишларига мос даволаш усуллари таклиф қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РНД.04/30.09.2020.ТІВ.123.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
УРГЕНЧСКОМ ФИЛИАЛЕ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУЛЛАЕВ ИКРОМ АБДУВАЛИЕВИЧ

**КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫЕ МАРКЕРЫ В ОЦЕНКИ СТЕПЕНИ
ТЯЖЕСТИ СИНДРОМА РАЗДРАЖЕННОГО КИШЕЧНИКА**

14.00.05 - Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

УРГЕНЧ -2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2023.4.PhD/Tib4041.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сино.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.urgfiltma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель

Махмудова Лола Иззатуллоевна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты

Хамрабаева Феруза Ибрагимовна
доктор медицинских наук, профессор

Джаббаров Озимбай Отаханович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация

Казахский национальный медицинский университет имени С.Д. Асфендиярова

Защита диссертации состоится «___» _____ 2025 г. в ___ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.09.2021.Tib.123.01 при Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии. Адрес: Хорезмская область г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом -28. Тел./факс: (+998622248484).

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Ургенского филиала Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). Адрес: Хорезмская область г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом -28. Тел./факс: (+998622248484).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 год.

(Протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2025 года)

Р.Ю. Рузibaев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

З.Ф. Джуманиязова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, доцент

Р.Б. Абдуллаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время функциональные нарушения кишечника, особенно синдром раздражения кишечника, являются наиболее распространенной патологией среди пациентов гастроэнтерологического профиля. Интерес к проблеме синдрома раздражения кишечника в первую очередь связан с распространенностью заболевания. Он составляет в среднем 20% и может варьировать от 9 до 48% в разных популяциях, что, несомненно, связано с использованием различных диагностических критериев, подходами к выбору популяции, включением или исключением коморбидных заболеваний, а также расовыми, культурными, социально-экономическими особенностями, доступностью медицинской помощи. Рост заболеваемости синдромом раздражения кишечника составляет около 1% в год¹. Поэтому медицинская и социальная значимость заболевания является серьезной проблемой в медицине, требующей решения, которая определяется экономическим ущербом не только из-за ее широкой распространенности, но и из-за высокого влияния заболевания на качество жизни.

В мире проводятся обширные научные исследования, направленные на изучение особенностей патогенетического развития синдрома раздраженного кишечника и совершенствование лечебно-профилактических мероприятий. Эти исследования заключаются в оценке связи предрасполагающих факторов с возникновением данного заболевания, влияния различных факторов риска на клиническое течение заболевания, психоэмоциональные особенности и качество жизни пациентов. При данной патологии особое значение приобретает необходимость обоснования нового подхода, направленного на изучение патогенеза, разработку и внедрение критериев определения степени клинической тяжести заболевания на основе клинических признаков с целью совершенствования методов лечения, а также определения мер профилактики осложнений, вызванных этим заболеванием.

В нашей стране реализуются определенные меры, направленные на развитие сферы здравоохранения, адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе профилактику соматических заболеваний различной этиологии. В связи с этим, в соответствии с семью приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, для поднятия уровня медицинского обслуживания населения на новый уровень определены такие задачи, как..."повышение качества квалифицированного обслуживания населения в первичной медико-санитарной службе...."². Исходя из этих задач, целесообразно проводить

¹ Маев И.В. Новый подход к купированию болевого синдрома при синдроме раздраженного кишечника. Фарматека. – 2017. – 6. – С.38-44.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года No УП-60 "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы."

исследования, в том числе по профилактике неинфекционных заболеваний и повышению уровня грамотности в здравоохранении.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан No УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан," Постановлениях Президента Республики Узбекистан No ПП-3071 от 20 июня 2017 года "О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан" и No ПП-4063 от 18 декабря 2018 года "О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения," а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI. В рамках приоритетного направления "Медицина и фармакология."

Степень изученности проблемы. Синдром раздраженного кишечника (СРК) - одно из сложных, распространенных заболеваний желудочно-кишечного тракта, характеризующееся болью/дискомфортом в животе, связанным с изменениями в дефекации (Barbara G. et all, 2016, Lembo A.J. et all, 2016). Это заболевание относится к группе функциональных заболеваний желудочно-кишечного тракта, и у пациентов не наблюдаются структурные и биохимические изменения. Распространенность СРК в мире составляет 21% (Thompson J.R. et all, 2016). Симптомы этого заболевания негативно влияют на хронический и привычный образ жизни, социальную активность, сон, сексуальную активность и производительность труда (Addante R. et all, 2019). Хотя заболевание не является опасным для жизни, оно доминирует среди других заболеваний желудочно-кишечного тракта по снижению качества жизни пациентов. Кроме того, СРК оказывает косвенное и прямое воздействие на пациентов, работодателей и систему здравоохранения (Aalipour M. et all, 2023).

Этиопатогенез заболевания сложен, в его формировании участвует ряд этиологических факторов, активирующих ряд патофизиологических механизмов (Ивашкин В.Т., Золникова О.Ю., 2019). К наиболее обсуждаемым в литературе факторам относятся: пищевые привычки, висцеральная гиперчувствительность, нарушения моторной функции, нарушения нейроэндокринной системы (ось "мозг-кишечник"), повышение проницаемости кишечника, развитие воспаления "низкого уровня активности" и изменения состава микробиоты кишечника (Ивашкин В.Т., Ивашкин К.В., 2017).

Основой общей физиологической связи между хроническим психическим напряжением и депрессией при СРК является ось кишечник-

мозг, которая представляет собой связь между двусторонней нейрогуморальной системой, соединяющей мозг и кишечник с вегетативной нервной системой и гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой (ГГП) осью и микробиом. Хроническое психическое напряжение повышает активность миндалин, что приводит к активации гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой системы, вызывая висцеральную гипералгезию (Махмудова Л.И., 2020).

Таким образом, расширение диагностических возможностей имеет особое значение в совершенствовании методов лечения синдрома раздраженного кишечника, устранении психоэмоциональных расстройств и улучшении качества жизни.

